



Самога сочилган юлдузлар

ёхуд "Пахтакор-79" фожиасига 40 йил тўлди

2-саҳифа



Билмаганимиз билганимиздан кўп

3-саҳифа

So'nggi manzil



4-саҳифа

Yangi loyihа



Tushda kechmagan umr

Keyingi sonlarda



YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 63 (16368)

7-AUGUST, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz

yoshlarovoz@mail.uz

@yoshlarovoz

Халқаро мусобақадан 14 та медаль

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида 1 – 6 август кунлари Халқаро математика мусобақаси (IMC 2019) бўлиб ўтди.

Унда юртимиз жамоаси ҳам муносиб иштирок этиб, 14 та медаль ва 2 та фахрий ёрликни қўлга киритди.

Жумладан, Қорақўл туманидаги 1-ИДУМИнинг 7-синф ўқувчиси Анваржон Раҳматов мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. Пешку туманидаги 18-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жаҳонгир Норбоев кумуш, Қорақўл туманидаги 1-ИДУМИнинг 9-синф ўқувчиси Олимжон Олимов, шу муассасанинг 7-синф ўқувчиси Тўймурод Қодиров, Китеб туманидаги 1-ИДУМИнинг 10-синф ўқувчиси Элдор Нейматов, Бухоро вилояти, Урганч шаҳридаги 6-ИДУМИнинг 7-синф ўқувчиси Бекзод Мақсудов бронза медаль билан тақдирланди.

Жамоавий баҳсда Ўзбекистон терма жамоаси бронза медалига сазовор бўлди. Мусобақада 41 та давлатдан 500 нафардан зиёд иктидорли ўқувчи математиканинг комбинаторика, сонлар назарияси, геометрия бўлимларига оид мураккаб ва ностандарт масалаларни ечишда беллашди.

Мухбиримиз

Eshitingizmi?

Ҳам ўрганади, ҳам ўргатади



Минск шаҳрида | Беларусь — Ўзбекистон ёшлар IT форуми бўлиб ўтди.

Форумда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбоев бошчилигида 30 нафар ёшдан иборат делегациямиз иштирок этапти.

Форум олдидан Беларусь ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўтказилган учрашувда томонлар ахборот технологияларини ривожлантириш борасидаги ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиб, истиқболли режаларни белгилаб олди.

Минск шаҳрида Беларусь — Ўзбекистон ёшларининг ахборот технологиялари соҳасидаги ёзи оромгоҳи ташкил этилди. Унда ўзбекистонлик ёш веб дастурчилар ҳам 3D моделлаштириш, робототехника, мехатроника, мобил илова яратиш соҳаларида салоҳи-

ятини намойиш этмоқда. Оромгоҳ иштирокчилари Беларусь Республикасининг етакчи IT компаниялари фаолияти билан танишди, тажриба алмашди ва дастурлаш бўйича ўқувларда қатнашди.

Делегациямиз вакиллари хизмат сафари мобайнида Беларусь Миллий кутубхонаси, Беларусь давлат тарих музейи, Минск шаҳри ва мамлакатнинг бошқа дикатта сазовор масканлари бўйлаб саёҳат қилади.

Беларусь — Ўзбекистон ёшлар форуми хар икки мамлакат ёшлари учун ахборот технологи-

ялари соҳасидаги замонавий муаммоларни муҳокама қилиш, янги технологиялар билан танишиш, ўзаро билим ва кўникма алмашиш учун платформа вазифасини бажаради.

Форум 9 августгача давом этади.

Ёслаб ўтаман, шу йилнинг сентябрь ойида беларуслик 30 нафар ёш дастурчи Ўзбекистонга тақлиф этилиб, юртимиз ёшлари билан ҳамкорликда тренинглр ўтказиши кўзда тутилган.

Мухбиримиз

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Юртимизда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз йўлини топишга қийналаётган йигит-қизларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган

Мавзун Жиззах вилоятининг баъзи туманлари мисолида ўрганишга ҳаракат қилдик.

Яқинда Пахтакор туманида ип йигирув корхонаси ишга тушди. "Пахтакор текст" да 450 нафарга яқин аёл уч сменада ишламоқда. Уларнинг ярми ёшлардан иборат.

— Корхонага Швейцария технологияси келтирилган, — дейди ип йигирувчи Ирода Бекжонова. — Дунё стандартлари-га мос замонавий ускуналар ихтиёримизда. Ишлаб чиқарилган ип-калава Туркия ва Хитойга экспорт қилинмоқда. Шундай шартларда меҳнат қилаётганимдан мамнунман.

Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши "Ҳар бир ёшга бир гектар" лойиҳаси доирасида беш кишига "Боғи адам Саҳифа" фермер хўжалиги худудидан жами 10



гектар ер майдони ажратди. Ушбу хайри ташаббус асосида беш нафар зафарободлик тендошимизнинг ҳам бандлиги таъминланган. Энди улардан хар бирининг "Чирилок даласи" фермер хўжалигида ўз тектари бор. Далаларда кунгабокар, мош ва бошқа экинлар етиштирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Test – 2019

Билими зўр мингни енгар

Юртимизда олий таълим муассасаларига кириш тест синовлари қизгин паллага кирди. Биргина Тошкент шаҳрида хар кун икки сменада 16 минг 600 дан ортиқ абитуриент тест топширмоқда.

4 август ҳафтасида кўра, Жаҳон иктидорли ва дипломатия университетидан Муборак Абдукаримова, Тошкент молия институтидан эса 3 нафар абитуриент — Рустамжон Абдурахимов, Араббой Исмоилов ва Мохина Абдулкаимова тест топшириқларини 100 фоизлик натижа билан бажариб, энг юқори бални кўлга киритди. Шу кун иттиҳонда катнашгани белгиланган 71 минг 340 нафар абитуриентдан 2 минг 259 нафари, гуруҳ назоратчиларидан эса 45 нафари тест жараёнида иштирок этмади. 17 нафар абитуриент худудга киришда, 32 нафари эса бинода қондани бузгани учун синовдан четлатилди.

Давлат тест маркази бошқарма

Дилноза АТОЕВА

Tashabbus

50 киши баҳраманд бўлди

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида "Бешта ташаббус — бешта имконият" акцияси доирасида миллий либослар кўргазмаси ташкил қилинди.

Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши лойиҳага 50 нафарга яқин ишсиз хотин-қизни жалб қилди. Улар ёш дизайнер Дилназ Адилчаевдан маҳорат сабоқларини олди. Машғулотлар давомида либос дизайнида миллий ва замонавий услубларни уйғунлаштириш, қорақалпоқ миллий каштачилик санъати ҳақида фойдали маълумотлар берилди.

Д.Адилчаева яратган янги либослар тўплами намойиши меҳмонларда ёрқин таассурот уйғотди. Тадбир сўнггида акцияни юқори савияда ўтказишда фаоллик кўрсатган жонқуярларга ташаккурнома ва эсдалик совғалар топширилди.

Индирра МАМБЕТНАЗАРОВА

Huquq va burch

Солиқлар — иқтисодий ривожланиш калити

Соҳибқирон Амир Темура бобомиз "Темура тузуқлари" китобида: "Амр эддимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир ахлоққа солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлансинлар. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашувига олиб келади", деб таъкидлайди. Мана неча асрди, бу сўзлар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

(Давоми 2-саҳифада).

Munosabat

Олий таълим тараққиёти

Таълим соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш – бугунги кун талабидир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор таълим тизимини ислох қилиш, муассасалардаги ахволни яхшилаш ҳамда кадрлар сифатини ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиради.

Қарорга кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифаси сифатида таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик гоғларига садоқат, миллий кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёт гоғларга қарши иммунитетини шакллантириш ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаб, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарда талабалар амалиётини ташкил этиш каби масалалар белгиланди. Бундан ташқари, таълим сифатини ошириш бўйича чо-

ра-тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилди.

Тажрибали ва етарли малакага эга педагогларнинг самарали меҳнат қилишини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ваколатига кирувчи раҳбар ва ходимларни лавозимга тайинлаш ва ундан озод этишнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Эндиликда олий таълим муассасаларининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланади.

Ёшларни олий таълим билан камраб олиш даражасини оширишга алоҳида эътибор ка-

ратилган. Таълим сифатини яхшилаш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари билан кўшма факультетлар ва икки томонлама диплом бериш дастурлари амалга оширилди. Илгор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларининг ўқув режалари кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтказилди. Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар учун контракт тўловларини амалга ошириш муддатлари олий таълим муассасаси ректори томонидан узайтирилади. Вазирлик олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тайёрлайди. Олий таълим тўғрисидаги ва Ўрта махсус ва касб-хунар таълими тўғрисидаги низомилар бугунги кун талабларига мос равишда

кайта таҳрир этилади. Халқаро даражада илмий тажриба-синовларни амалга оширишга йўналтирилган ноёб илмий-техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 7 та жамоавий фойдаланиладиган лаборатория иш бошлайди.

Соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида "Олий таълим фидойиси" ҳамда "Ўрта махсус ва касб-хунар таълими фидойиси" кўкрак нишонларини таъсис этиш тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўқувчи-талабаларни ахборот хуружлари, ёт гоғлар таъсиридан ҳимоя қилиш, Ватан манфаати йўлида бирлаштириш мақсадида "Блогерлар клуби" фаолияти йўлга қўйилди. Ёшларни илмий-тадқиқотнинг замонавий методлари билан таништириш ва уларнинг илмий фаолиятини методик қўллаб-қувватлаш мақсадида "Докторантура мактаблари" ташкил қилинади. "Булуғли технологиялар" таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этилади.

ТОП-1000 халқаро рейтингдан қўшни Қозғистоннинг ўнта олий таълим муассасаси ўрин олган. Бизда эса ҳали бирорта ҳам билим юрти бу рўйхатга киритилмаган.

Рўзиқул ОЧИЛОВ

Jarayon

"Биз биргамиз"

Етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларни камраб олган "Камалак" болалар ташкилоти "Ёзни "Камалак" билан!" лойиҳаси асосида болалар бундан бундан мазмунли ўтказиб, хордик чиқариши учун республикамизнинг барча оромгоҳ ва маҳаллаларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда. Лойиҳага 3 минг нафардан зиёд бошланғич таълим қўрилари ҳамда бир ярим мингдан зиёд кўнгилли талабалар жалб этилган.

Жорий йилнинг июль ойида жами 218 оромгоҳ, 928 та соғломлаштириш майдончаси ҳамда 8 минг 745 та маҳаллада лойиҳа доирасида тадбирлар ўтказилди.

"Менинг дўстим китоб ўқийди", "Китобхонлик кунлари", "Менинг юртим Ўзбекистон", "Жонажон Ўзбекистон", "Кувнок стартлар", "Биз биргамиз", "Ватан келажиги сенинг қўлингда" ҳамда "Менинг дўстим мусаввир" каби болаларнинг иктидорини чарқловчи ва улардаги истеъдодни эрта аниқлаб, касб-хунарга йўналтиришга қаратилган қатор тадбирлар, "Асфальтга расм чизиш" танлови, "Жонли шахмат" каби спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

— Ёз мавсумида лойиҳага жами 4 миллион нафардан ортиқ болани камраб олиш режалаштирилган, — дейди "Камалак" болалар ташкилоти бўлим муdiri Мархабо Сафарова. — Мавсум давомида болалар саломатлигини яхшилаш мақсадида профилатик даволанмишлар, соғломлаштириш муолажалари ва қўллаб-қувватлаш дастури ташкил қилинади. Лойиҳа 20 августгача давом этади.

Динара ЮСУПОВА

Ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган



(Бошланиши 1-саҳифада).

“Yoshlar — kelajagimiz” Davlat dasturi doirasida yaratilgan imkoniyatlar eʼvaziga mamlakatimizda ёш тadbirkorlar сафи йилдан-йилга кенгаймоқда.

Масалан, яқинда Пахтакор туманида 215 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ҳисобига “Бехруз Азиз” хусусий корхонаси ташкил этилиб, 11 киши иш билан таъминланди. Корхона бир кунда 250 килограмм қандолат маҳсулотларини сотувга чиқармоқда.

Форишда ҳам ёшлар бандлиги эътиборида ташкил этилган “Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бараваж олиб борилапти. Енг

шимариб ишлаётганлар орасида Иттифок ташаббуси билан тузилган “Фидойи ёшлар отряди”нинг 200 нафар аъзосини ҳам учратдик.

Якка тартибдаги тadbirkor Расул Тураев 10 нафардан ортик шогирди билан бирга мебель ясайди. Эшик, дераза-ромлар, юмшоқ диван ва креслоларнинг бозори чаккон. Буюртмачиларнинг қадами узилмайди.

Туманда истиқомат қилаётган Лайло Илхомова Ёшлар марказида тўқувчилик тўғрисида оқган. 20 нафардан ортик шогирди бор. Жавоҳир Шукуров эса 15 нафар ёшга ҳайқалтарошлик ва кулолчилик сирларини ўргатмоқда.

Хонбанди шаҳарчасидаги Ёшлар марказида “Жасмин мега сервис” МЧЖга қарашли “Фориш чеварлари” тикув цехи фаолият бошлади. Унда 61 нафар ёш хотин-қиз доимий меҳнат билан банд. Бундан ташқари, мақсуд қорхонанинг олис ҳудудларда очилган яна учта филиали орқали жами 191 нафар аёл доимий ишга эга бўлди. Маҳсул кийимлар, эркаклар костюм-шими, мактаб формаси, чойшаб ва бошқалар нафақат ички бозор, балки чет элдаги харидорлар талабини ҳам қондирмоқда.

Хуллас, ҳаракат бор жойда натижа ҳам, албатта, кўзга ташланади. Мухими, ёшлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Улар давлат ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида.

Элдор НАВРЎЗОВ,
Ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти кенгаши матбуот котиби

Aks sado

Ватан тилда эмас, дилда яшайди

“Ёшлар овози” газетасининг 2019 йил 19 июнь сонидagi “I Love...” сарлавҳали мақолада шаҳар ва туманларнинг марказий майдонларига битилган “I Love Navoi”, “I Love Samarkand”... сингари “ватанпарварлик” изҳорлари тобора урфга кириб бораётгани ҳақида сўз юритилади.

Муаллиф “...шу зарур бўлса, нега уни инглиз тилида ёзишимиз, ажнабий тилда изҳор қилишимиз керак?! Қайси ўзбек онашарига меҳр-муҳаббатини шу залда изҳор этади?”, деган саволни ўртага ташлайди. “Юрак”ни аниқлашчи шаклнинг мазмун-моҳиятига ҳам тўхталиб, унинг салбий маъноларини очиб беради. Мақолани ўқиб, Ватан ҳақидаги мулоҳазаларимни ёзишга жазм этдим.

Ватан туйғуси. Ватанга муҳаббат. Ватанпарварлик. Юртни севиш. Халқи учун жон фидо этиш...

Бугун бу жумлалар кулокка тез-тез чалинапти. Чалинса ҳам майли эди, баҳайбат кўнгиракли соат сингари барча соҳаларда бонг уряпти. Ёзувчи-шоирлар, оммавий аҳборот воситалари, амалдорларни қўя туринг, энди ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгига ҳам баъзи ҳолларда сохта мадҳиябозлик сингирилмоқда. Мактабда устозим бир гапни кўп қайтарарди: “Ватан учун жон фидо этманг, шунчаки Ватан учун яшанг. Ватан учун яшаган инсон юрт ва халқи учун жон беришга тайёр туради”...

Ватан ҳақида Шавкат Раҳмон шундай сатрлар битган:

*Жойлашгансан шунчалар чуқур...
Ўз тубига аширган юрак.
Сенга етиб бормоқлик учун
Узн умрим етмас керак.*

Кўряпсизки, оддий сўзлар. Лекин ҳар бир сўз, ҳарфда оғир юк, дахлдорлик туйғуси бор. Бу туйғу баъзи “зуффиячи”лар, қаерда нима дейиш ва қайси даврада ўзини қандай тутишни қойиллатадиган айрим “фаол ёшлар”нинг “ватанпарварлиги” каби эмас. Бу шеър чин кўнгиладан, илдооларсиз ва таъмасиз ёзилган. Юракдан чиққан асар юракларга етиб боради.

Яқинда ижтимоий тармоққа “Адиблар хибони”даги Зулфияхоним, Абдулла Орипов ва Мухаммад Юсуф ҳайқалларининг айни қундаги аҳволи видеолархиса жойланди. Шоира Зулфия ҳақидаги постда шундай дейилган:

“Зулфияхоним ўз суратлари акс этган, олтин суви юсуриририлган медалларни кўксига таққан, башанг қийинган “қизлари”нинг йўлига қараётгандек: “Қайси қизим келаркану гулларимга сув қўяракан, ён-атрофимни сулуриб, устимдаги чанг-ғуборларни тозаларкан”, деб.

Сатрларни ўқирканман, Зулфия мукофоти совриндорларнинг жўшиб гапириши ёдимга тушади:

“Биз мукофотни кўксимизга, юрагимизга тақамиз! У чап томонимизда ураётган юракни халқ учун, юрт учун хизмат қилишга ундайди. Ватан учун яшашга даъват этади. Албатта, ўзимга билдирилган ишонччи оқлаб, Зулфия онам сингари шоира бўлишга ваъда бераман”.

Шуларни ўйлаб, таъсирланиб юрган кезларим эди. Мухим байрам арафасида туман фаол ёшларини марказга чақиринди. Борсам, катта хонада 20 нафарга яқин йигит-қиз тўпланган. Тadbirkorлар тўман ёшлари номидан гапириш керак экан.

— Болалар, кеча йигилдида хоким бува бизга сохта қарсақбозлар эмас, хақиқий ватанпарварлар керак, дедилар. Шундай гапирингки, ҳар сўзингиздан юраклар жунибига келсин, нутқингиздан қўзланган мақсад йиғилганларни руҳлантиришдир...

Ўйлайман, нега биз сохталикдан халигача воз кеча олмадик, жамиятнинг турли жабаҳларида қаллоблик, кўзбўямачилик бўлгани етмаганидек, энди энг олий туйғуга ҳам “кўз олайтириб”, йиғилганлар нигоҳини шамғалат қилишимиз? Тўғри, бу



ёшлар фаолдир, борингки, қобилиятлидир, лекин бундай йўл билан обрў излаш, мукофотга даъво қилиш қанчалар тўғри?! Бугун нега китобни “Spark” олиш учун ўқиямиз, Ватанни илдоо билан, эъвазига нимадир етиб боради.

— Сиз хоким буванинг эзгу ишлари ҳақида чиройли шеър ёзинг. Уларга ёкса, кўнгиладан жой олсангиз, “Spark” бор.

— Пиёда юрганам яхши!

Ватан — инсон юрагининг яширин хоналаридagi пинҳон туйғудир. Уни ҳамма ҳам топа олмайди. Унгача етиб бормайди. Ватан нелитини аниқлашлар эса у ҳақда ҳалоб гапирарвермайди, ёзавермайди. Инсон яхши кўрган нарасини кўнгилинг энг чуқур ерида асрайди. Ҳаммага жар солишга қизғанади, ҳар жойда айтавергани ор қилади. Сохта муҳаббат қарсақбозликдан Ватан хўрланади!

Абдулазиз АҲМЕДОВ

Xotira



Самога сочилган юлдузлар ёхуд “Пахтакор-79” фожиасига 40 йил тўлди

“Пахтакор” жамоаси 1956 йили ташкил этилди. Олтмишинчи йилларда ўзига хос ўйин услуби, ўткир комбинацияларни яхши ўзлаштирган жамоа эсда қоларли ўйинлар намойиш эта бошлади.

Футбол ишқибозлари етмишинчи йиллардаги “Пахтакор”нинг матонатини, рақиб дарвозаси томон шиддатли ҳужумларини, “Динамо” (Минск), “Днепр”, “Нистру”, “Динамо” (Москва) сингари жамоаларни қандай доғда қолдирганини хануз унутмайди.

Ана шундай бахслардан бири Киевда бўлиб ўтганди. “Пахтакор” жаҳонда машҳур “Динамо” жамоасининг меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувнинг қаҳрамонига айланган Тўлаган Исҳоқовнинг маҳорати ҳақида Европа радиолари, матбуот бонг урди. Ўша мавсумдаги тақрорий учрашув эса “Пахтакор”нинг йилрик 5:0 ҳисобидagi ғалабаси билан яқуланди.

“Пахтакор” 1979 йили мамлакат чемпионати жадалида анча юқорига кўтарилди. 13 август кун Минскда маҳаллий “Динамо”га қарши майдонга чиқиб керак эди. Трансляция бошланишини интиқ кутяпмиз. Лекин... Ҳазин мусика садо беради. Хайронлик. 15 август кун авиачалоқат ҳақида хабар берилди.

Сўнг ҳамма қарахт бўлиб қолди. Фожаия дилларни ларзага келтирди. Мамлакат мотамда. Лекин ҳаёт давом этади. Янги жамоа тузиш керак. Бу осон кечмаслиги аниқ эди.



Бир пайтлар “Пахтакор”да ўйнаган, хизмат кўрсатган спорт устаси Галимзян Хусанов мураббий.

Иштван Секеч эса бош мураббий этиб тайинланди.

Бир вақтлар Юрий Пшеничников ва Сергей Покотиллов химоя қилган дарвозани энди ёш дарвозабон — Анвар Рашидов муҳофаза қилди. Анвар биринчи учрашувда ёш мураббийлар ишончини оқлади. Жамоага Нуриддин Амриев, Мустафо Билолов, Марат Кабаев, Виталий Жилкин, Фахриддин Исломов каби ёш футболчилар жалб қилинди.

1982 йилдаги ютуқлар туйғайли жамоанинг 13 нафар футболчисига спорт устаси унвони берилди.

Бу йил фожаия кирк йил тўлиди. “Пахтакор”нинг хоки Боткин кабристонига кўним топди. Бу ерда қад ростлаган ёлғорлик пойида ҳаммиса тоза ва анвойи гуллар ифори таралади. Афсонавий футболчи Биролар Абдураимов ҳам ўзбек футболининг эрта сўнган юлдузлари хотирасини қалбига сақлайди, бу ерни тез-тез зиёрат қилади.

Мухаммад ШОДИЙ

Eshitdingizmi?

Ёшлар спартакиадаси

Ёшлар иттифоқи Оҳангарон шаҳар кенгаши томонидан 5 та муҳим ташаббус доирасида спортнинг футбол тури бўйича “Ёшлар спартакиадаси” ўтказилди.

Шаҳар хокимлиги, халқ таълими бўлими, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада 78 нафар ёш 13 та жамоага бўлинган ҳолда ғолиблик учун беллашди. Мурсасиз баҳслар якунида 1-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди.

Хуснора САТТОРОВА,
Ёшлар иттифоқи Оҳангарон шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси

Дунё ҳарбийлари Форишда

Ўзбекистон илк бор Халқаро армия ўйинларининг ҳарбий-тиббий эстафета йўналишидаги мусобақасига мезбонлик қилмоқда.



11 мамлакат ҳарбий хизматчилари ўзаро беллашиш учун Жиззах вилоятининг тоғ-чўл ҳудудидаги “Фориш” полигонига етиб келди.

Дунё мамлакатларининг ҳарбий салоҳиятини намойиш этиш ҳамда тақриба алмашиш имконини берувчи ўзига хос олимпиада 2015 йилдан бунён мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2017 йилда Ўзбекистон унда дебютант мамлакат сифатида қатнашган. Ушунда вакилларимиз бешта совринни кўлга киритган.

Жорий йилги мусобақада иштирокчи давлатлар сони 36 тага етди. Иордания, Камбоджа, Конго, Мали, Куба ва Шри-ланка жамоалари илк бора қатнашди.

“АрМИ – 2019” доирасидаги баҳслар жаҳоннинг ўн та мамлакатда 31 та йўналиш бўйича бўлиб ўтди. Уларга 5 мингдан зиёд ҳарбий жалб қилинган.

Мухбиримиз

Солиқлар — иқтисодий ривожланиш калити

(Бошланиши 1-саҳифада).

Бугун солиқ тизими босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда. 2019 йил 1 январдан қучга қирган янги Солиқ кодекси бунинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига мурожаатномасида шундай сўзлар бор: “Фуқароларимиз солиқдан қочиб эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак”. Юртимизда 33 ярим миллион аҳоли истиқомат қилади. Шундан 17-19 миллионни ўз даромад манбаига эга, яъни солиқ тўлаши керак бўлган қатлам. Афғуски, атиги 4,5 миллион киши ўз зиммасидаги бурчини адо этади. Бу шундан далолат берадики, одамларимиз ўзга қайтишни билмайди. Ахир, ижтимоий химоя, пенсия жамғармаси, ойлик маош, йўл,

мактаб, уй-жой қурилишига кетадиган харажатлар солиқлар ҳисобидан амалга оширилади-ку.

Франция иқтисодий-молиявий салоҳияти юксалишига улкан ҳисса қўшган сийёсатчи Жан Баптите Колберт солиққа тортиш санъатини тирик гозининг патларини қилишга ўхшатган. Бу ишни шундай бажариш керакки, токи ғоз оғрик сезмасин. Мамлакат иқтисодий юксалишига бевосита дахлдор бўлган солиқлар жуда ноэтиқлик ва аниқликни талаб қилади.

Тасаввур қилинг, фарош бир ойда олти юз минг сўм маош олади ва у шу арзимаган даромадидан юрт ривожини учун солиқ тўлайди. Аммо шунча пулни бир кунда топадиган айрим кимсалар солиқ тўлашдан қочиб юрса, адолат қаредда қолади? Рўйхатдан ўтмаган қўштирок ичидаги тadbirkorлар, даромадини атайин пасайтириб кўр-

сатувчилар, буларнинг бари давлат иқтисодиётига зарар келтиради.

Бундан ташқари, инвестицион лойиҳаларни, тadbirkorлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, чет эл инвесторларини юртимизга кенг жалб қилиш учун ҳам адолатли солиқ сийёсати керак.

Президент ўз мурожаатномасида: “Солиқ юқини қамайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур”, дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги солиқ кодексидa мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритувчиларни жа-

золаш кўзда тутилган.

Ўтган давр мобайнида қорхоналар товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда давлат мақсадли жамғармаларига ажратма тўлаб келган. Бу солиқ юқидан азият чекиш, ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг рақобатбардошлик хусусиятини пасайиши, четга экспорт қилиш самарадорлигининг тушишига олиб келган. Янги солиқ концепциясида бу каби муаммолар мақсадли равишда хал этилган. Бундан ташқари, солиқ турлари 19 тадан 15 тага қисқариши, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизга, дивидентлар кўринишидаги даромадлар бўйича фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга пасайтирилиши солиқ тизими учун янгилик бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат, юртимизга келётган инвесторларга қулайлик


яратиш учун энди солиқ ставкалари турғун ҳолатда бўлади. Бу хали ҳаммаси эмас. Энди тadbirkor даромад оласанига солиқ тўлайди. Ойлик иш ҳақидан ундирилadиган даромад солиғи 30 фоиздан ягона 12 фоизга туширилди. 8 фоизлик сўғурта баланди бекор қилинди. Ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Якка тартибдаги тadbirkorлар учун солиқ ставкалари 30 фоизга пасайтирилди.

Энг муҳими, одамлар қонуларда белгилангани учун эмас, виждонан, ўз ихтиёри билан солиқ тўлаши, зиммасидаги мажбуриятини бажариши лозим. Шундангина юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига, эл-юрт тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Каримжон ЗАРИПОВ

Mustaqillikning 28 yilligi oldidan

БИЛМАГАНИМИЗ БИЛГАНИМИЗДАН КЎП



Олам яралибдики, инсон ҳамisha мен кимман, қаердан пайдо бўлдим, нега яшайман каби фундаментал саволларга жавоб излайди. Шу жиҳатдан биз илм-фанга муҳтожмиз. Эҳ-ҳе, ҳозирга қадар олимлар сайёрамиз тугул, ҳатто коинотдаги не не жумбоқларни ечмади, сирли ҳодисотларнинг сабаб ва оқибатларини тушунтириб бермади дейсиз. Аммо билмаганимиз билганимиздан ҳали ҳам кўп.

Яна бир ҳақиқат бор: ҳар қайси давр тараққиётни муайян ўзанга солади. Мустақилликка қадар юртимиз илм-фаннинг аҳволи, ҳозирги ҳолатимиз, қайси йўналишдан кетаётганимизу залворли йўлдаги катта-кичик тўсиқлар ҳақида **Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти бўлими мудири, назарий астрофизика соҳасида дунёда тан олинган олим, профессор Бобомурод АХМЕДОВ** билан суҳбатлашдик.

— Ассалому алайкум. Истиклолнинг 28 йиллиги муборак бўлсин!
— Раҳмат, сизга ҳам!
— Бобомурод Жўраевич, кўп йил собиқ тузум даврида яшагансиз. Ўз қобилингизга ўралиб қолган мамлакатда илм қилиш осон бўлмагандир.
— Тўғри айтасиз. Ўша вақтда Европа ёки океан ортда қилинаётган тадқиқотлар ҳақида жуда кеч хабар топардик. Илмий журналлар кутубхонага етиб келгунча ярим йил ўтарди. Керакли мақолани олиб ўқиш учун Москвадаги марказий кутубхонага почта оркали буюртма беришингиз; кейин яна олти ой келишини илҳак бўлиб кутишингиз керак эди. Турган гапки, унча маълумотлар эскириб кетарди.

1991 йилда мустақиллик эълон қилиндию, очиги, қалбимга гўлула тушди. Бор имкониятдан ҳам маҳрум бўлиб қолмасангиз, деган хавотирда эдим. Шукрки, Ўзбекистон дунёга очилди, ахборот олиш ҳамда узатиш тезлиги минг қарра ошди.

Эндиликда журналда хали эълон қилиб ултурулмаган мақолаларни интернетдаги электрон архивдан бемалол топиб ўқишимиз мумкин. Қўнимни астрофизикага доир илмий янгиликлар билан танишадан бошлайман. Вактин йўқотмаслик — олим учун беназир бахт. Бир ибратли фактни эсламоқчиман. 1967 йилда британиялик олима Жоселин Белл томонидан пульсарлар, яъни нейтрон юлдузлар топилиши. Ўша вақтда атоқли совет астрономи Иосиф Шкловский ҳам бу мавзуда изланиш олиб борарди. Олим Кембриж университетига келганида инглизлар кашфиёти ҳақида чурқ этмайдди. Ваҳоланки,

мақола "NATURE" журналида чоп қилиб бўлинган. Аммо Шкловский индивидиал тарзда фаолият кўрсатган. Ўша вақтда Нобель мукофотини олиш учун қоғоз, қалам ва ўткир ақл киёф эди, холос. Лекин ҳозир вазият бошқача. Ер юзидан илм-фан интеграцияси кузатилаётган. Халқаро илмий коллаборацияга қўшилмаган олим оламшумул кашфиёт қилиши амри маҳол.

— Нега?
— Чунки фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ҳам, уларнинг экспериментал қисмини бажариш ҳам катта маблағ талаб қилади. Астрономияни олайлик. У дунёдаги энг қиммат фан ҳисобланади. Астрофизиканинг долзарб масала-

Мустақиллик берган иккинчи катта имконият шундаки, биз чет эллик ҳамкасблар билан узвий ҳамкорликда ишлаш олашимиз.

Зотан, бутун дунёда тенденция шундай. XX аср бошида Альберт Эйнштейн, Эрвин Шрёдингер каби буюк олимлар мақола чикармаган бўлса ҳам, ойликни олиб юрарган...

— Ҳозир ҳам шундай "профессор"лар бор-ку!
— Инкор этмайман — бор, бироқ дунёни кўриб келаётганлар, жаҳон талабаларига жавоб бера олаётганлар ҳам талайгина. Сабаби сўнгги йилларда давлатимиз илм-фан рақобатни кучайтирадиган рағбат механизмини яратди.

Бугун етакчи олимга 1000 АҚШ долларига эквивалент миқдорда маош тайинланяпти ва ойлик маошларимиз йилдан-йилга ортиши кутилмоқда. Илгари мен учта жойда ишлаган бўлсам,

лари билан шуғулланиш, астрономик кузатувлар олиб бориш учун бизга суперкомпьютерлар ва юқори аниқликда ишлайдиган замонавий телескоплар керак. Бундай асбоб-ускуналарнинг нархи ниҳоятда қimmat. Шу боис одадда йирик илмий лойиҳаларни АҚШга ўхшаган қудратли давлатлар молиялаштиради.

— Уларда ўзбекистонлик олимлар ҳам қатнашяптими?
— Ҳа. Ёшлар учун ташкил қилинаётган стажировка дастурлари эвазига кўпгина тадқиқотчилар хорижий давлатлардаги етакчи илмий муассасаларда ишлаш ва тажриба орттириш имконига эга бўляпти. Ўзим ҳам Ҳиндистон, Италия, Германияда мунтазам хизмат сафарига бўламан. Бир нарсани тан олиш керак,

Ғарбда илм-фандаги нуфузингиз унвон ва даражалар билан белгилабмайди ва бу тўғри, назаримда! Кеча докторлик диссертациясини ёқлаган бўлсангиз ҳам ўз устингизда ишлашда давом этмасангиз — тадқиқотларда қатнашмасангиз, мақола ёзмагангиз, илмий журналларда чиқишингиз бўлмаса, эътибордан четда қолаверасиз. Натижада бошқалар сиздан ўзиб кетиши ҳеч гап эмас.

Ҳақиқий рақобат муҳити докторантга ҳам, оксос профессор олдига ҳам бир хил талабни қўяди. Ҳаракат қилган — ўзати, йўқса, даврдан чиқиб кетишингиз керак. Тамом-вассалом!

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида бизда тамомилда бошқача ёндашув ҳукмрон

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БИЛМАЙДИГАН ОЛИМЛАР, ТАЛАБАЛАРИМИЗ ЖУДА КЎП. АСОСИЙ КАМЧИЛИГИМИЗ ҲАМ ШУ

эди. Профессор хамиша улуғланган, ўн йиллаб самарасиз ишласа ҳам, ва улуг мартабага эришганидан кейин биронта мақола чикармаган бўлса ҳам, ойликни олиб юрарган...

— Ҳозир ҳам шундай "профессор"лар бор-ку!
— Инкор этмайман — бор, бироқ дунёни кўриб келаётганлар, жаҳон талабаларига жавоб бера олаётганлар ҳам талайгина. Сабаби сўнгги йилларда давлатимиз илм-фан рақобатни кучайтирадиган рағбат механизмини яратди.

Бугун етакчи олимга 1000 АҚШ долларига эквивалент миқдорда маош тайинланяпти ва ойлик маошларимиз йилдан-йилга ортиши кутилмоқда. Илгари мен учта жойда ишлаган бўлсам,

энди бунга зарурат йўқ. Қолаверса, ҳозир кичик илмий ходим ва профессор маоши ўртасидаги фарқ салкам уч бараварга етказилди. Бир йил аввал эса 10 фоизни ташкил қилган, холос.

Олимнинг асосий маҳсулоти — илмий мақола. Мақола қанчалик кизикарли бўлса, шунчалик кўп ўқилиб, жаҳон илмий ҳамжамиятида танилади. Бу эса сифатли ва самарали ишлаётганингиздан далолатдир.

Рақобатбардош бўлишда тил билишининг ҳам аҳамияти катта. Маълумки, илк ўрта асрларда яшаган буюк аждодларимиз илмий асарларини араб тилида битган. Агар бошқа тилда ёзганида, турган гапки, дунё бу хазинадан бебахра қоларди. Кейинчалик илмий доираларда француз тили юқори макомга кўтарилди. Иккинчи жаҳон урушигача эса немис тили доминант ҳисобланган. Масалан, ўша даврнинг ёркин намоёниси Альберт Эйнштейн инглиз тилини деярли билмаган ва асарларини немис тилида чоп этган. Ниҳоят, XX аср ўрталарида "эстафета" инглиз тилига ўтди.

Бора-бора олимлар хитой тилини ўрганишга мажбур бўлса ҳам ажабланмайман!

Афсуски, мамлакатимизда илм-фан ҳамон русийзабон бўлиб қолмоқда. Инглиз тилини билмайдиган олимлар, талабаларимиз жуда кўп. Асосий камчилигимиз ҳам шу. Назаримда, аниқ ва табиий фанлар бўйича магистратура таълими тўлиқ инглиз тилида олиб


борилиши керак. Боз устига, Ўзбекистонда Ғарб типидagi илмий-тадқиқот муассасасини очиб вақти ҳам келди. Юртимизда илмий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришда жаҳон талабаларига мос замонавий тизимни жорий қила оласак, ишончим қомилки, оёғимизга тушов бўлиб турган анча-мунча муаммолар барҳам топади.

— Унда ислохотни олий таълимдан бошлаш маъқул эмасми?
— Албатта, фикрини шунга олиб келаётгандим. Ўзбекистон Миллий университетида 4-курсга дарс бераман. Менга қолса, ўқишга қабул қилинган йигит-қизларга қарата: "Халқаро микёсда эътироф этилган олим бўлишни, катта маош олиб, йирик илмий тадқиқотларда қатнашишни, хориждаги етакчи муассасаларда ишлашни хоҳласангиз, тил ўрганиш", деган бўлардим. Инглиз ти-

лини билмаган олим дунё билан мулоқот қилолмайди. Демак, ўз-ўзидан кўп нарсани йўқотлади.

Тарихдан мисол келтираман. Америкалик машҳур олим Эдвин Хаббл 1929 йилда коинотда галактикалар борлиги, яъни юлдузлар тўпламларида жойлашганини экспериментал тарзда исботлайди. Шунингдек, у астрономик кузатувлар асосида коинотимиз кенгайиб бораётганини аниқлаган. Шундан буён мазкур жараён Хаббл қонуни, деб атала бошланди.

Аслида коинот кенгайишига доир далилларни илк бор Жорж Леметр келтирган. Фақат у тадқиқот натижаларини француз тилида эълон қилади. Шу боис мақоласи оммалашмайди. "Улоқ"ни эса Эдвин Хаббл илиб кетган. Фақат 2018 йилга келиб тарихий адолат тикланиб,



Бобомурод АХМЕДОВ — 1963 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Физика-математика фанлари доктори, профессор. Жаҳон фанлар академияси аъзоси. "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби. 2017 йилда илмий ишларига энг кўп ҳавола қилинган муаллиф (Web of Science), 2018 йилда "Йил олими" (Scopus) сифатида эътироф этилган. 20 дан ортиқ халқаро илмий нашрлар тақризчиси, "Arabian Journal of Mathematics" ҳамда "Springer" илмий журналлари муҳаррири.

Халқаро астрономлар жамиятининг ҳулосасига кўра космологларга яхши таниш бўлган атама Хаббл-Леметр қонуни, дея ўзгартирилди.

Четта чиккан ёш ҳамкасбларимиз кўпинча Ўзбекистонда ўқиш жараёнида дастурлаш бўйича етарли билим ололмаганидан афсусланади. Чунонам,

юртимиздаги физика факультетларида техника таъминот масаласи жуда-жуда оғриқли. Кўп фанлар назарий ўтиладию, аммо амалиёт йўқ. Буни мен аниқ биламан.

Яна бир гап. Талабаларда келажакда илм билан шуғулланишга мотивация уйғота олишимиз керак. Физика факультетларида

и к т и - кўп. Аммо олим бўламан дейдиганлари санокли. Чунки бу билан рўзгор тебратилишга кўзи етмайди. Аниқроғи, шундай стереотип миямизга маҳкам ўрнашиб олган. Йўқ, азизлар, ҳозир замон бошқача! Давлатимиз жон-жаҳди билан илмий кадрларнинг моддий аҳолини яхшилаш, жамиятдаги обрў-эътиборини юксалтиришга ҳаракат қиломоқда. Натижаси бўляпти. Мана масалан, охириги йилларда ўзим фаолият юритаётган Астрономия институтида ёш ходимлар сафи анча кенгайди.

Билимдон талабалар орасида ўзини репетиторликка урганлари ҳам бор. Мен уларни "тест фанлари доктори", деб атайман ва йўқотилган вақтига астойдил ачинаман. Ваҳоланки, бу йигит-қизлардан кучли илм соҳиблари чиқиши мумкин. Афсуски, энг гуллаган чоғида улар келажакга болта уриш билан овора.

— Талабага мотивация бериш ҳақида гапирдингиз. Бирок ўрни келганда ёш олимга ҳам далда, куч керак. Бу борда илмий-тадқиқот муассасалари қандай йўл тутмоқда?

— Илм-фанга қаратилаётган эътибор ва рағбатнинг ўзи илмий кадрлар учун далладир. Ўзбекистон Фанлар академиясига давлат бюджетидан 32 миллион АҚШ доллар миқдорда маблағ ажратилди. Бунақаси тарихда бўлмаган! Маънафнинг асосий қисми илмий-тадқиқот институтилари моддий-техник таъминотини яхшилашга сарфланади. Салкам 1,6 миллион АҚШ доллар астрономик тадқиқотлар учун йўналтирилган. Ҳозир институтиимиз биноси қайта таъмирланмоқда. Коинотдан юқори аниқликдаги таътирлар олиш мақсадида тез орада замонавий CCD камера харид қилинади. Президентимиз халқаро доираларда Майданак обсерваториясига 4 метрлик телескоп ўрнатилишини ҳам айтганди. Бундан ташқари, Жиззахнинг Сўфа кишлоғидаги кузатув станциясини янги радиотелескоп билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган тўқис шароит, замонавий инфратузилма киши кайфиятига, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатади. Деворлари нураб бораётган, томидан чакки ўлатётган хонада ўтириб ишлаш қаёқдаю янги кабинетда маза қилиб илм билан шуғулланиш қаёқда. Бундай янгилинилардан

бахраманд бўлиш асносида шу мамлакатта кераклигини, кадр-кимматинг балиддигини ҳис қиласан. Олимдан талаб қилинаётган нарсаси эса битта — изланиш ва ўз устида ишлашни тўхтатмаслик!

— Аини вақтда астрономларимиз қандай мавзулар устида изланмоқда?

— Илмий коллаборация доирасида Ходисалар горизонти телескопи ёрдамида галактикамиз марказида жойлашган Ўқ отар А* деб номланувчи ўта оғир (вазни 4 миллион Қуёш массасига тенг) қора туйнукнинг хоссаларини ўрганишимиз.

Қора туйнук юлдузлар эволюцияси натижасида пайдо бўлади. Юлдуз ҳам одамга ўхшаб туғилади, яшайди ва ўлади. Фақат инсондан фарқи ўларок, унинг умри давомийлиги массасига бевосита боғлиқ. Масалан, оғир юлдузлар 100 миллион йилгача ҳаёт кечирishi мумкин. Астрономик нуқтани назардан бу жуда кам. Солиштириш учун айтаман, унча катта юлдуз бўлмаган Қуёшнинг ёши 4,5 миллиард йилга тенг ва у яна шунча йил яшаши фанда исботланган.

Оғир юлдузлар умрининг сўнгида қора туйнукка айланади.

Маз-объектнинг бор-йўғи иккита параметри бор: массаси ва айланиш momenti. Лекин жумбоқлари талайгина. Айтايлик, қора туйнук ҳамма нарсани, ҳатто нурни ютиб юборади. Мана шу "очқўзғити" туфайли унинг айланиш momentiни аниқлаш ниҳоятда мушкул. Хўш, аниқлашда нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, астрономия илми азалдан инсониятнинг қаердан пайдо бўлгани, борликлари ўрни ва бошқа шу каби фундаментал саволларга жавоб излаб келган. Шунча кузатув, мислсиз кашфиётлар қилинганга қарамай, биз коинотнинг атиги 4 фоизини ўргандик, холос. Қолгани сир-синоатлигича қолмоқда.

2017 йил 17 августда коинотда иккита нейтрон юлдуз тўқнашувининг кузатилишини мен янги мингйилликда астрономия соҳасида қилинган улкан кашфиётлар сирасига қўшган бўлардим. Бу оламшумул ҳодиса олимларга Ер юзидан олтин, платина, уран каби оғир элементлар қаердан пайдо бўлганини тушуниш имконини берди. Ахир, ушбу савол инсониятнинг хамиша ўйлан-тириб келган.

— Жавабдан муштарийларимизни ҳам воқиф этсангиз.

— Бундан 13,7 миллиард йил олдин коинотда буюк портлаш юз бериб, нейтрон юлдузлар бир-бири билан тўқнашган. Бошланғич коинотнинг 92 фоизи водород, 8 фоизи гелийдан иборат эди. Юлдузлардаги ядро синтези оқибатида водород ва гелий ёниб, қулга, яъни чиқиндига айланади. Космик чиқинди бу — темир. Юлдузларнинг кейинги тўқнашувида водород ва гелийга темир ҳам қисман қўшилиб, янги юлдузларни ва бир вақтининг ўзида оғир элементларни пайдо қилади. Оғир элементни кимёвий йўл билан олишининг сира илмий йўқ. Сабаби нейтрон 14 дақиқа мавжуд бўлади, холос. Кейин протон билан электронга айланади.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур.

— Саломат бўлинг.

Наргиза УМАРОВА



Oltin meros



RUHOBOD maqbarasi — 1380-yilda qurilgan. Amir Temur tomonidan e'zozlangan Shayx Burhoniddin Sog'arjii maqbarasi shu nom bilan yuritiladi. Samarqandda joylashgan. Bu yerdan Go'ri Amir maqbarasiga olib boruvchi tosh yo'lak bo'lgan. Maqbaraning balandligi 24 metrni tashkil qiladi. Oddiy geometrik shakllar (sakkiz qirrali mukaab) sekin-asta murakkablasha boradi. G'ishtlar mohirona terilgan, bezagi kam, faqat dolon (yo'lak) devorlari sirli ganch bilan bezatilgan. Bularning hammasi maqbaraga ulug'vorlik baxsh etadi.

B.ILHOMJONOV tayyorladi.

Bilasizmi?



Koinotda 100 milliardga yaqin galaktika va har bir galaktikada taxminan 200 milliard yulduz bor. Shu choqqacha kuzatilgan beshta o'ta yangi (yulduzlarning portlashi oqibatida hosil bo'lgan) yulduzlarning bittasini 1006-yilda ulug' ajdodimiz Ibn Sino kashf qilgan. Quyoshning yoshi 4,5 milliard yilga teng. Bu yulduz umumiy hisobda 9 milliard yil umr ko'ra oladi. Astronomlar yulduzlarni og'ir va yengil turlarga ajratadi. Og'ir yulduzning harorati juda baland bo'lgani uchun u qisqaroq umr ko'radi.

Mutolaa san'ati

Kutubxonadagi fojia

Kitobxon, kutubxonada tartib bilan terib qo'yilgan kitoblarni diqqat bilan kuzatganmisiz? Agar shunday bo'lsa, inson tafakkurining bu mevalari intihosi qanchalar alamli ekanini bilasiz, albatta. Ular kutubxonalarining ulkan va sanoqsiz ochiq javonlarida kemiruvchilarning ayovsiz tishlari orasida unutilib qolib ketadi.

Kitobxon, qachondir kutubxonadagi ochiq javonlarga kitoblarni joylashtirishda ishtirok etganmisiz? Mabodo shunday bo'lsa, eslab ko'ring, kitoblar sizga ongli ravishda uzoq hayot kechirish uchun mo'ljallanganday tuyulgan. Kitoblar zavq-shavqqa to'liq, o'ziga ishongan tirik jonday ko'rinadi. Ular ko'z oldimizda tikilgan muqovasi chiroyli, muallif va nomi esa yaqqol namoyon bo'lishini istab turganday. Har bir kitob sahifalarida o'ziga ishonch, shuhratga o'chlik oz emas, har bir kitob o'zini mangulikka daxldor deb biladi.

Mangulik! Sichqonlarning o'tkir tishlari "mangulik" so'zining qanchalik safsata ekanini ko'psatadi!

Holbuki, kitoblar mangulikni ko'zlab yoziladi. Kitob yozishni boshlaganda va unga so'ngi nuqtani qo'yganda muallif qanchalar kamtarin bo'lsa ham, u kemiruvchilarni va o'limni o'ylamaydi. Unga yozgan kitobi shodlik dengizida, baxt to'lqini mavjlarida abadiy eshakk ehadiganday tuyuladi.

Ammo kitoblar ham umumiy qoidalarga bo'ysunadi. Bu dunyoda hamma narsa o'tkinchi — gullab xazon bo'lgan gul gardining ustidan yangi g'uncha ochiladi, o'tmish xarobalari uzra yangi davr boshlanadi. Kitoblar ham shunday, o'z joyini boshqasiga bo'shatib berishi lozim. Homering "Illiada"si qancha kitoblarni o'limga mahkum etgani, shubhasiz!

Biz barhayot deb hisoblaydigan

"Illiada"ning o'zi ham qachondir unutilishga mahkum. Servantesning kitobi yuzada turishi uchun minglab boshqa kitoblar chetga suriladi.

Saqlanib qolgan har bir kitob yuzlab boshqa kitoblarning halokatidan dalolat beradi.


Mana, nima uchun kutubxonalarini o'z ko'zimiz bilan ko'rganimizda bizni g'am-anduh bosadi.

Kutubxonada javonlarida turgan kitoblarda qandaydir tashvish bor: bu tashvish ma'nosi shundaki, har bir kitobning yana yashagisi kelaveradi, ammo tez orada o'z o'limini boshqalariga bo'shatib berishga mahkum. Afsus, bu kitoblar naqadar jo'shqin bitilgan edi-ya! Sharafli kunda dunyo yuzini ko'rdi va o'sha onda baxt og'ushiga dadil o'tildi. Ular sokin, shovqin ko'tarmay, chor-atrofga jur'atsiz termulib tug'ildi. Tumanlar oralab o'tganday bir necha o'quvchilar orasida qo'ldan-qo'lga o'tib, oxiri javondan joy oldi. Boshqa birlari iqbol yulduzi ostida tug'ilib, shov-shuvli bahs-munozaralarga sabab bo'lgach, qay bir kibor xonim yoki olimning, yosh yigit yoki keksaning stolida qo'nim topdi. Ammo mana shu kitoblar ham asta-sekin panada qolib, nihoyat kutubxonada javonlariga yo'l oladi.

Kutubxonalar — kitoblar mozori. Har kuni bu yerga kitobxonlar kirib, qaysidir kitobni so'raydi. Kitob dim joyidan qo'zg'atilganda yana toza havoli shabadada yasharib ketadi. Kitobxon sarg'aygan sahifalarini varaqlaganda qayta tirilganday bo'lib, eski davrlardagiday g'ururga chulg'anday, xuddi yonidan o'tgan yosh yigitning e'tiborini tortgan keksa xonimday quvonchdan titraydi.

Javonlarda turgan kitoblar sirli, jo'shqin ehtirosarga limmo-lim. Ular hasad o'tida yonadi, keksalik manmanligidan azob chekadi, omadsizlikdan halok bo'ladi. Bir kitob joyidan olinib, o'quvchiga berilganida yoki ostonada bir kishi paydo bo'lishi bilan boshqa kitoblar dunyosida qanday fojia yuz berayotganini tasavvur ham qilolmaydi: "Balki u meni qidirib kelgandir?"...

O'quvchi kirib kelganida hamma kitoblar uni ko'radi va taraddudga tushib qoladi. Nihoyat o'quvchi zarur kitobni so'raydi, u joyidan olinadi va u kitob



Xose Mariya SALAVERRIA

Xose Mariya Salaverria (1873-1940) — ispan yozuvchisi. Bir necha roman, safarnoma, yoshlarbop kitoblar muallifi. Ocherk va essenavis sifatida tanilgan. Uning "Kutubxonadagi fojia" essesi ilk bor "Adabiy yaqinlik" kitobida chop etilgan.



manman, boshqalarning g'ashiga tegadigan maqtanchoqqa aylanadi, go'yoki shunday xitob qilganday: "Ko'rib turganingizday, meni tanlashdi!". Qolgan barcha kitoblar hasaddan kuyib, sukut saqlaydi. Odatda bir xil kitoblar so'raladi, qolganlari butunlay unutilganday, kutubxonachining o'zi ham ularni eslamaydi. Bu kitoblarni hayotga bog'lab turgan bir narsa qolgan — xuddi dafn qilish idorasidagi marhumlar

ro'yxatida turganday: nomi bor, ro'yxatda mavjud, xolos.

Kitoblar donishmandlik daraxtining yaprog'iday to'kiladi va kuz shamoli ularni xazon misol uchiradi. Avval ular bahor yashilligini his etadi, keyin quriydi, qovjiraydi, shirin hidini yo'qotadi va bizning tasavvurlarni yoritmay qoladi. Shunda kitobni qo'lga tutganimizda, uning ko'p sahifalari ma'nisizday tuyuladi. Undagi eskirgan haqiqat va fikrlar doimo takalluf bilan "Ishlayman!" degan manman keksalarni yodga soladi. Bu kitoblarda tilga olingan vaqt bizdan olis va yo'li tuman bilan qoplangan. Biz ularni o'sha qadim muhitdagi singari anglay olmaymiz. Biz marhamatli bo'lishga harakat qilib, bu soddalikni kechirishni istamaymiz, ammo qanchalik olijanob bo'lishga intilmaylik, kitobni bir chetga surishga majburiyat va asta avvalgi o'rni qo'yamiz.

Mana shuning uchun ham ulkan kutubxonalarda g'ayrioddiy fojialar sodir bo'lishi ortib boraveradi. Bizning davrga kelib, kitoblar odamlarning yuragidan joy olishga intilmay qo'ydi, ular kutubxonalarda qolishni xush ko'radi, ularning mangulikka bo'lgan so'ngi ilinji — javonlarda kun kechirmoqdir. Hech kim o'qimasa ham mayli. Faqat mavjud bo'lsalar, bas!.. Axir, har yili va yil sayin kitoblar soni ko'paytganidan ko'payib boryapti. Oddiygina kenglik nazariyasiga ko'ra, yana qandaydir yuz yillardan keyin dunyoda ulkan kitob tog'lari paydo bo'ladi. Nashr balosi kuch bilan barcha javonlarni egallab oladi va kutubxonalar tasavvur qilib bo'lmasa darajada shishib ketadi. Oxir-oqibat insoniyat kitob dengizida g'arq bo'ladi. Nihoyat, istang-istamang, hisob-kitob payti yetib keladi. Son-sanoqsiz kitoblar ummonida g'arq bo'lishni istamagan odamlar kutubxonalarini saranjom-sarishta qilishga tushib boriadi. Mantiqan kutubxonalarida tozalash vaqti keladi: olov keraksiz va yaroqsiz kitoblarni yamlab yuboradi.

Nahotki, odamlar omon qolish uchun kurash haqida gapirmasa? Xuddi shuningdek, bundan ham fojialiroq hodisa bor — boqiy hayot uchun kitoblar kurashi.

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasini.

Yoshlik ilhomi

— Bas, yetar! Hiqildog'imga keldi! Bu uydan yo u ketadi, yo men! Yuqori qavatdagi baqirchaqirlarni tokchadagi gultuvaklarga termilganancha iztirob bilan tinglab turgan Nabi ota yuziga dumalagan yoshni qaltiroq barmoqlari bilan asta artadi.

So'nggi manzil



"Muhokama" rosa cho'zildi. Janjal biroz tingach, ota o'g'lini yoniga chaqirib, qariyalar uyiga tashlab kelishga bir amallab ko'ndirdi. Bundan sevinib ketgan kelin erta tongda huddi mehmon kuzatayotgandek qaynotasining narsalarini taxt qilib qo'ydi.

O'g'il mashinani o't oldirdi. Nabi ota ketishidan oldin nabilarini bilan uzoq xayrlashdi. Jigargo'shalarini duo qildi. Bu holatni kuzatib turar ekan, kelini qilmishidan beixtiyor uyaldi...

Mashina qishloqdan uzlaqlashib borardi.

— Tuni bilan uxlay olmadim, bolam, biroz mizg'ib olaman. Manzilga yetgach uyg'otarsan, — deya qariya o'rindiq suyanchig'iga bosh qo'yib, ko'zlarini yumdi.

Kelin esa hayotdagi hovlida erkin qushdek o'tirardi. Lekin negadir ko'ngli behuzur bo'ldi, halovati yo'qoldi... Ayvoning shifftiga qator ilingan to'rtovqlardagi bedanalarning tinmay sayrashi-yu devor burchagida zanjirlangan Olaparning darvoza tomonga qarab akilashi, farzandlarining bobomlab bo'zlashlari... Bu tovushlarning bari qorishib hovlida g'alati shovqin paydo qilar, ayolning yurak-bag'rini eza boshlaganday ayol bir nimani yo'qotgandek u yoqdan-bu yoqqa yurar, ishi ummas, har zamon ko'chaga chiqib, erining yo'lga ko'z tikardi...

Bu yoqda o'g'il mashinani juda sekin haydagancha goh oynadan otasining nurli chehrasiga, goh o'zining ko'zgidagi aksiga qarab, o'zi bilan o'z o'lishib borardi. Nabi ota beozorgina uxlardi. O'z uyiga sig'magan, o'z uydan haydalagan ota — uning otasi!

O'g'il daf'atan rulni ortga burdi. Mashina yengil siltanib, yo'lda davom etdi. Oynadan qarab, otasining hamon bir tekis uxlayotganini ko'rdi va uyga borganda uyg'otaman, shunda birdan suyunib ketadi, deb o'yladi. Ulov yeldek uchib borardi.

Ularining birga qaytayotganini ko'rgan kelinning yelkasidan tog' ag'darilgandek bo'ldi. Eri ni ko'zda yosh bilan qarshi oldi. O'g'il mashinani to'xtatgan zahoti otasini uyg'ota boshladi. Ko'p urindi. Biroq... Nabi ota allaqachon bu manzilni tark etgan edi.

Muhammad SIDDIQ

Festival

Elga ma'rifat ulashib



Termiz shahrida viloyat hokimligi, Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi, Respublika "Ma'rifat" targ'ibotchilar jamiyati hamkorligida "Ma'naviyat — eng qudratli va ta'sirchan qurolimiz!" shiori ostida festival o'tkazildi. Unda o'qituvchilar, ma'naviyat targ'ibotchilari hamda yoshlar ishtirok etdi.

Viloyatda ma'naviyat-ma'rifat ishlarini yanada tizimli tashkil etish, aholi, ayniqsa, yoshlarning intellektual salohiyati, ong-u tafakkuri va

dunyoqarashini yuksaltirish, mafkuraviy immunitetini mustahkamlash, barkamol avlodni tarbiyalashga alohida e'tibor qaratish maqsadi-

da tashkil etilgan uch kunlik festival doirasida bir qator ta'lim muassasalari, bog'cha va yozgi oromgohlarda davra suhbatlari, uchrashuvlar, turli aksiyalar o'tkazildi.

Termiz tumanidagi "Amudaryo" bolalar sog'lomlashtirish oromgohida "Kitob — yoshlar ma'naviyatining asosi", Termiz shahridagi 12-Mehribonlik uyida "Kitob — mehrimiz timsoli", 11-maktabgacha ta'lim muassasasida "Ma'rifatli kelajak" shiorlari ostida ma'rifat loyihalar amalga oshirildi. Ta'lim muassasalari kutubxonalariga jami 300 dan ortiq kitob sovg'a qilindi.

Shuningdek, Termiz shahridagi Matbuotchilar uyida Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi tomonidan chop etilgan "Yosh ota-ona kitobi", "Baxtli bola ma'naviyati" singari adabiyotlar taqdimoti bo'lib o'tdi. Yoshlar markazida esa viloyatdagi maktabgacha ta'lim muassasalari pedagoglari uchun o'quv-seminari tashkil etildi.

— Kitobxonlik madaniyatini oshirish maqsadida viloyatdagi aholi gavjum joylar, xususan, "Aqlli bekat"larga elektron kitoblarning QR-kodlarini o'rnatdik, — deydi Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi qoshidagi "Ma'rifat" targ'ibotchilar jamiyati bo'limi boshlig'i Malika Abduhakimova. — Istalgan kishi smartfonidagi maxsus dastur yordamida kodni skanerdan o'tkazib, o'zi tanlagan kitobning elektron variantini telefoniga yuklab olishi mumkin.

Festival yakunida faol yoshlar hamda ishtirokchilarga 400 dan ortiq badiiy adabiyot va esdalik sovg'alar tuhfa etildi.

Nargiza RAHMATULLAYEVA



1 savolga 1 javob

— Ikki yashar farzandim bor. Rahbarim meni xizmat safariga jo'natmoqda. Buni inkor qilishga haqlimanni?

Zarifa ASHUROVA
Toshkent shahri

Savolga gazetamizning doimiy eksperti Javohir SHAMSUTDINOV javob beradi.

— Albatta, haqlisiz. O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 228-moddasiga ko'ra, homilador ayollarni va 14 yoshga to'lmagan bolasi (16 yoshga to'lmagan nogiron bolasi) bor ayollarni ularning roziligisiz tungi, ish vaqtdan tashqari yoki dam olish kunlaridagi ishlarga jalb qilish hamda xizmat safariga yuborishga yo'l qo'yilmaydi.

Shu bilan birga, homilador ayollarni va uch yoshga to'lmagan bolasi bor ayollarni tungi ishlarga jalb qilishga bunday ish ona va bolaning sog'lig'i uchun xavf tug'dirmasligini tasdiqlovchi tibbiy xulosa olingan taqdirdagina yo'l qo'yiladi.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR

Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbasova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev - bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina - bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev - mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina - mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi

Karim

ZARIPOV

Dizayner

Xurshid

ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent.

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (71) 150-22-74,

(71) 233-95-97.

(71) 233-79-69 (faks)

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Indeksler: 203, 3203

Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-813

Adadi — 18438

Boshlashga topshirish vaqti — 21.00

Topshirildi — 23.00

O'za yakuni — 21.50